

УДК 332.1

DOI: 10.56937/v2i10a15

Қурбонов Самандар Пулатович

Меҳнат бозори тадқиқотлари институти докторанти

E-mail: s.kurbonov@gmail.com, Mob.: +998 97 708 01 88

УНУМЛИ БАНДЛИК ТАҚЧИЛИГИ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДАГИ ЗАРУРАТИ

Аннотация. Ушбу илмий мақолада иш билан банд аҳоли таркибида камбағаллик таъсир доирасидаги шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва таҳлил этиб боришдаги Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) тавсиялари асосида камбағалликни қисқартириш, аҳолининг унумли бандлиги даражасини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: *Халқаро Меҳнат Ташкилоти, унумли бандлик, маҳсулдор бандлик, самарали бандлик, камбағал иш билан бандлик, ишсизлик, унумли бандлик тақчиллиги.*

Кириш

Камбағалликни қисқартириш, ишсизликни камайтириш ва аҳолининг меҳнат даромадларини ошириш ҳозирги даврда ҳар бир мамлакатнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Бунга сўнгги йилларда Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, каби халқаро ташкилотлар ва бошқа халқаро конгресслар ҳамда симпозиумларда асосий муаммолар рўйхатида қолаётганлиги билан асослаш мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, у ижтимоий адолат тамойилларини, халқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни илгари суришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ташкилот 1919 йилда ташкил топган бўлиб, 1946 йилда БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослаштирилган муассаса ҳисобланади. Ташкилот ташкил этилганидан кейин уни ривожланишидаги навбатдаги воқеа урушдан кейинги даврдаги асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берган Филадельфия декларациясида (1944 йил) эълон қилинган, ташкилотнинг асосий тамойиллар белгилаб олинди, яъни: меҳнат товар эмас; сўз эркинлиги ва бирлашиш эркинлиги доимий тараққиётнинг зарурий шартидир; ҳар қандай жойдаги қашшоқлик умумий фаровонлик учун таҳдиддир; ирқи, этники ёки жинсидан қатъи назар, барча одамлар эркинлик ва инсон кадр-қимматини ҳурматлаш, иқтисодий барқарорлик ва тенг имкониятлар шароитида моддий фаровонлик ва маънавий ривожланиш ҳуқуқига эгадирлар [1].

Камбағаллик ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг беқарорлаштирувчи элементи сифатида кўрилиши ва ҳар бир мамлакатда трипартизм (ҳодим, иш берувчи ва давлат)га асосланган барқарор ва бирлашган халқаро саноат-ҳаракатлар орқали йўқ қилиниши керак. Шу билан бирга, ХМТ, масалан, аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш, барча иш жойларида ишловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида дастурларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ва бошқаларда ўз ҳиссасини қўшади. Бу эса ўз навбатида унумли ва маҳсулдор бандлик шартлари ҳар бир мамлакат меҳнат бозорида амал қилинишини талаб этади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳозирги пайтда меҳнат бозорини янги ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида кўриб чиқиш зарурлигига олиб келди, замонавий жаҳон иқтисодиётидаги меҳнат дунёсини ўрганиш янги ёндашувларни, концепциялар ишлаб чиқишни, янги услубий муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади.

Иқтисодчи олим Ш.Қудбиев [2] таъкидлаб ўтганидек, жаҳон меҳнат бозори бу ишчи кучи харидорлари ва сотувчилари ва бозор инфратузилмаси (ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари, бандлик хизматлари, халқаро ташкилотлар, кадрлар агентликлари,

касаба уюшмалари) ўртасидаги муносабатлар мажмуидир. Меҳнат бозоридаги замонавий жараёнлар бандлик ва ишсизликнинг иқтисодий натижаларига таъсирини белгилайди ва одамлар тақдирини белгилайди. Шунинг учун жаҳон меҳнат бозорининг глобал ривожланиш аспектиларини ҳисобга олган ҳолда шунини таъкидлаш керакки, меҳнат бозори жамият тараққиёти натижаларини акс эттиради.

Меҳнат бозори қонунларига мувофиқ, меҳнат бозорига бир қатор сабабларга кўра ҳам субъектив, ҳам объектив равишда кириб келаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги иқтисодий фаол фуқаролар ҳар доим ҳам бандлик соҳасида ўз ўрнини топа олмайдилар.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ишсизликни ўлчашнинг икки йўли мавжуд. Биринчиси, фуқароларни иш билан таъминлаш хизматида рўйхатдан ўтказиш натижаларига асосланган, иккинчиси – ишчи кучининг доимий сўровлари натижаларига асосланган бўлиб, унда ишсизлар ҳолати ХМТ мезонлари асосида белгиланади.

Маълумотлар шунини кўрсатадики, белгиланган ва ҳисобланган ишсиз аҳоли сони сезиларли даражада фарқ қилади. Бунинг сабаби шундаки, иш жойи бўйича ваколатли органлар томонидан ишсиз деб расман тан олинган фуқароларнинг сони аслида уларнинг ҳақиқий сонидан анча паст, чунки уларнинг аксарияти иш билан таъминлаш органларида рўйхатдан ўтмаган.

Ҳар бир давлат ўзининг ва халқаро тажрибага асосланиб, меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари тақомиллаштириш билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал қилиш стратегияси ва тактикасини белгилайди.

Ўзбекистон ҳам сўнгги йилларда фуқароларни фаол равишда иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича кенг қаровли ислохотлар юритилиб, аҳолининг ўз-ўзини иш билан банд қилишни рағбатлантирувчи позицияларини кучайтираётганлиги ишсизлик нафақаларини ижтимоий нафақалар (камбағаллик таъсири доирасида бўлганларга моддий кўмак ва имкониятлар яратиш) билан алмаштиришга имкон беради.

Мақсад ва вазифалар

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) унумли бандлик концепцияси қатъий асосга эга бўлса-да, у катта ўзгаришларни бошдан кечирди. Энди ходимлар ҳуқуқлари, халқаро меҳнат стандартлари, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий мулоқот каби бандликнинг таркибий қисмлари билан биргаликда муҳим сиёсий мақсадга айланиб бормоқда.

Шунингдек, унумли бандлик ҳар томонлама маънога эга бўлиб, у ҳар қандай мамлакатда амалга оширилиши аниқ ва инкор этилиб бўлмайдиган бандлик турига айланиб улгурди. Уни тадқиқ этиш эса ҳар бир меҳнат дунёси олими учун муҳим вазифалардан биридир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) тавсиясига кўра, унумли иш билан бандлик бу “ишчиларга ва уларнинг қарамоғида бўлганларга камбағаллик чегарасидан юқори истеъмол даражасига имкон бериш учун меҳнатга етарли рентабеллик” берадиган фаолиятдир [3].

Бундан ташқари, бу иқтисодий ўсишни таъминлашни камбағалликни камайтириш билан боғлайдиган ва ижтимоий ҳимоя билан биргаликда камбағалликни қисқартиришнинг асосий воситаси бўлган ҳал қилувчи унсур ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи (услугий материаллар шарҳи)

Камбағаллик таъсирига тушган фуқароларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, бироқ бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечимига имкон бермайди.

Барқарор иқтисодий ривожланиш бандликни замонавий тармоқларга йўналтиришни [4] ва ҳар бир иқтисодий фаолият самарадорлигини оширадиган ҳаракатлар билан қўллаб-қувватлашни талаб қилади, масалан, технологияларни янгилашга инвестициялар киритиш, малака ошириш ва ҳеч бўлмаганда институционал имкониятлардан унумли фойдаланишни ўз ичига олади.

А.Лавопа ва А.Сзирмаи таркибий модернизациялаш траекториялари ва мамлакатларнинг камбағалликдан қутулиш имконияти ўртасидаги алоқани таҳлил қилиб, иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари сонини ошириш барқарор ўсишни таъминлаш учун етарли эмаслигини, чунки технологик бўшлиқни камайтириш учун технологияни

сингдириш жараёни зарур эканлигини таъкидлади [5]. Иқтисодий ривожланиш ва меҳнат унумдорлиги мамлакатларнинг билим капитали ва инновациялари билан жуда боғлиқдир, чунки таълим, айниқса, олий таълим муассасаларига ҳар қандай мамлакатларда маҳсулдорлик ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчиси сифатида қаралади.

Иқтисодий ўсиш шароитида унумли бандлик, иқтисодий фаол аҳоли ва ишсизлик таркибидаги меҳнат потенциали ҳамда иш билан банд камбағалликнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича А.Карнани, Е.Херман, М.Жоржеску, Р.Ислам, А.Сзирмай, А.Лавопа, М.Деккер, С.Бьюгелсдийк, Ж.Хейес, Р.Гаммарано каби олимлар тизимли тадқиқотлар олиб боришган.

Аҳоли жон бошига мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг барқарор ўсиши, иш билан бандлик даражасининг ортиши, камбағаллик ва даромадлар тенгсизлигининг доимий равишда пасайиб бориши, инсон таракқиёти кўрсаткичларининг барқарорлиги ва аҳолининг барча қатламларини асосий ижтимоий ҳимоялаш тизими билан тўлиқ қамраб олиниши мамлакат иқтисодиёти ўсиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳисобланади [6].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ишлаб чиқариш самарадорлиги иқтисодий ўсиш ва камбағалликни қисқартириш ўртасидаги боғлиқлик сифатида қаралади [7].

Жаҳон банкининг ҳисоботида [8] иш ўринлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асоси сифатида таъкидланган. Ривожланиш сиёсатида самарали бандлик ва инклюзив ўсиш ҳақиқатан ҳам кенг тарқалган бўлса-да, унумли ва маҳсулдор бандлик “глобал Жанубнинг кўп қисмларида ҳақиқатдан кўра кўпроқ интилиш сифатида кенг тарқалган” [9].

Фикримизча, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш асосида камбағалликни қисқартириш – энг самарали ислохотдир.

Бандлик орқали камбағалликни қисқартириш бўйича кўпгина олимлар тадқиқот олиб боришган. Масалан, Мичиган университети профессори А.Карнанининг тадқиқотида “бандлик орқали камбағалликни қисқартириш учта асосий омилни талаб қилади: иш билан таъминлаш, меҳнат қобилиятини ошириш ва меҳнат бозори фаолияти самарадорлигини янада ошириш”. Унинг қарашларида омиллар куйидагича тавсифланади [10]:

Биринчи омил камбағалларнинг малакаларига мос иш жойларини яратиш орқали меҳнат бозорининг талабига қараб “ишлайди”;

Иккинчи омил эса, меҳнат бозори таклифига тааллуқли бўлиб, таълим ва касб-ҳунар таълими дастурлари орқали камбағалларнинг иш билан таъминланишини оширади;

Учинчи омил эса меҳнат бозори, айниқса ривожланаётган мамлакатларда, етарли таҳлил учун маълумотларнинг етишмаслиги ва ишчи кучининг ҳаракатчанлиги сабабли жуда кўп муаммоларга дуч келинмоқда. Шунинг учун меҳнат порталларида ишларни мувофиқлаштириш ва жойлаштириш бўйича хизматлар каби дастурлар меҳнат бозорини янада самарали қилишига ёрдам беради ва шу билан бандликни оширади. Иш билан таъминлаш имкониятларини, иш қобилиятини ва меҳнат бозори самарадорлигини ошириш, албатта, тезкор ечим топиладиган осон вазифа эмас.

Ижтимоий ҳимоя тизимлари яхши ривожланган мамлакатларда унумли бандлик, камбағалликка мансуб ишлайдиганларни эмас, балки фақатгина ишсизлардан таркиб топади. Ишсизлар сафига қўшилганлар ҳам, камбағаллик таъсирига тушган банд аҳоли ҳам унумсиз бандликни ифодалайди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий шароит ва институционал омиллар таъсирида барҳам топади.

Аҳоли иш билан бандлиги ва турмуш даражасига оид тадқиқотларида Е.Херман, Р.Анкер, И.Чернешев, Р.Эггар, Ф.Меҳран, Ж.Риттерлар каби олимлар унумли бандлик кенг қамровли ва барқарор ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида келтиришган [6; 11].

Юнайтед Нейшнс Университети (United nations University) олимлари А.Зирмай, М.Гибреейсус, Ф.Гуадагно ва Б.Верспаген унумли ва маҳсулдор бандлик иш ўрнидаги учта ўлчовни; иш ҳақи, бандликнинг барқарорлиги ва меҳнат шароитларини ўз ичига олган фаолият эканлигини тавсия қилишган [12].

Унумли бандлик мос равишда ишчи ва унинг қарамоғида бўлганларга истеъмол

даражасининг камбағаллик чегарасидан юқори бўлишига имкон бериш учун меҳнатнинг етарли рентабеллигини таъминлайдиган иш билан бандлик сифатида қаралади.

Унумли бандликни ўлчаш камбағаллик ҳолати билан мутлақ даромаднинг ўсиши қанчалик муҳимлигини тушунишга ёрдам беради.

Унумли бандлик кўрсаткичи маълум бирор бир пул қийматига эмас, балки даромаднинг бошланғич ҳолатига нисбатан ўзгариши ҳақида хабар беради.

Тадқиқотчи олимлардан Е.Херман, Р.Ислам ва А.Фосу ўз илмий тадқиқотларида миллий иқтисодиётлар учун ҳақиқий муаммо уларнинг иқтисодий ўсиш жараёнида бандлик ўсишини таъминлаш қобилиятининг чекланганлигидир, деб таъкидлашган [13; 14; 15].

Профессор Р.Ислам бандлик ўсишини таъминлаш қобилиятининг чекланганлиги бу инклюзив иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг етарлича эмаслигини таъкидлайди [16].

Эмпирик тадқиқотлар натижалари [6] сифатли иш ўринлари ва жон бошига даромад ўртасидаги ижобий икки томонлама муносабатни кўрсатди. Бундан ташқари, у муносиб ва унумли меҳнат билан бирга бўлмаса, барқарор ривожланишга эришиш мумкин эмаслиги таъкидланган [17]. Шунингдек, барқарор иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун жуда муҳим бўлган омиллардан бири бу – кўп сонли яхши иш ўринларини яратиш учун таркибий ўзгаришларнинг потенциалидан унумли фойдаланишни тақозо этади [18]. Шундай қилиб, ишчиларнинг қишлоқ хўжалигидан хизмат кўрсатиш соҳасига ўтиш ҳаракати, айниқса ишчилар малака ва кўникма талаб қиладиган, юқори маҳсулдорликка эга хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиши, унумли бандликни юзага келтира оладиган иш ўринлари яратишни талаб этади.

Фақатгина иқтисодий ўсишнинг инклюзив ва барқарор бўлиши мумкин эмаслигини ҳисобга олсак, М.Шкаре ва Р.Дружеталар тадқиқотига кўра, иқтисодий ўсишнинг табиати ва моҳияти иш ўринларини яратиш ва камбағалликни камайтириш учун муҳимдир [19].

Европалик олим Е.Херман ва профессор Р.Ислам эмпирик тадқиқотлари натижалари сифатли иш ўринлари ва жон бошига даромад ўртасидаги ижобий икки томонлама муносабатни очиб беришган [6; 14]. Иш ўринлари муносиб ва унумли меҳнат билан йўғрилмаса, барқарор ривожланишга эришиш мумкин эмаслиги таъкидланган [17]. Бу ерда “меҳнат” ва “бандлик” тушунчалари ўзаро фарқли жиҳатларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Нидерландиялик профессорлар А.Лавопа ва А.Сзирмаи тадқиқотларида таркибий модернизациялаш траекториялари ва мамлакатларнинг камбағалликдан қутулиш имконияти ўртасидаги алоқа таҳлил қилиниб, замонавий сектор ҳажмини кенгайтириш барқарор ўсишни таъминлаш учун етарли эмаслигини таъкидлади, чунки технологик бўшлиқни камайтириш учун технологияни сингдириш жараёни зарур [5] эканлигига ишора қилинади.

Иқтисодий ривожланиш ва меҳнат унумдорлиги мамлакатларнинг билим капитали ва инновациялари билан жуда боғлиқлигига [20] ишора қилинади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти инсон капитали рақобатбардошлигини рағбатлантиради.

Олим Е.Херман тадқиқотида унумли бандлик кенг қамровли ва барқарор ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида келтирилган [6]. Олим тадқиқотлари унумли бандликни тарғиб этсада, уни кўпроқ иқтисодий ўсиш билан боғлаган. Бунда унумли бандликни оширишга кўпроқ урғу берилган.

Профессор Ж.Хейес иш билан банд камбағаллик мавжудлигининг асосий сабаблари ва механизмлари ҳақида тўхталиб, бу биринчи навбатда унумли бандлик тақчиллигининг бир шакли сифатида намоён бўлишига олиб келадиган меҳнатга кам ҳақ тўлаш, ёлланма ходимнинг шахсий хусусиятлари ва касбий малакаси, вақтинчалик ва тўлиқ бўлмаган меҳнат фаолияти, унинг уй хўжалиги таркиби, меҳнат бозори ва ижтимоий таъминот тизимида турли кўринишдаги салбий омилларга эътибор қаратган [21]. Ушбу қарашлар ортида иш билан банд камбағаллик иқтисодиётдаги ажралмас бир кўрсаткич эканлигига ишора қилинган.

Тадқиқот методологияси.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасида онлайн ижтимоий сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровнома Лайкерт

шкаласи (Likert scale)дан фарқли равишда, респондентларнинг меҳнат даромадлари, уй хўжалигидаги асосий боқувчи ёки боқувчи эмаслиги, қарамоғидаги шахслар сони ва иш берувчиларнинг улар меҳнат даромади миқдоридан қониқиш даражалари ва бошқа саволлар ўрин олди.

Олинган натижалар умумлаштирилиб, аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигига таъсир этувчи асосий омиллар танлаб олинди. Эркин ва эркин ўзгарувчилар асосида расмий статистик маълумотларга таянган ҳолда кам таъминланган аҳоли улуши ва уларга таъсир этувчи омиллар бўйича прогноз кўрсаткичлари динамикаси шакллантирилди.

Таклиф этилаётган унумли ва маҳсулдор бандликни ҳисоблаш услубиёти асосида камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сони аниқланди.

Ушбу тадқиқотни ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ташкилий (тайёргарлик); сўровномани ташкил этиш ва амалга ошириш; олинган натижаларни таҳлил этиш ва асосий омилларни аниқлаш босқичи; натижалар асосида хулосалар тайёрлаш ва фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иш билан банд бўлган ҳолда камбағаллик таъсир доирасига тушиб қолиш ҳолатларининг пайдо бўлишига асосан, иш ҳақи миқдори ва доимий меҳнат даромадлари ҳамда меҳнат шароитлари етарли эмаслигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Аксинча, ишсизлар ёки иқтисодий нофаол аҳоли таркибига кирмаганларнинг камбағаллик таъсирига тушиши асосан, мос равишда ишга жойлашиш имкониятларининг етишмаслиги ва ижтимоий ҳимоянинг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Манфаатлар қамровига кўра, маҳсулдор бандлик хусусияти шундан иборатки, барқарор иш жойида ёлланма ходим учун етарли иш ҳақи, муносиб меҳнат шароитлари мавжуд бўлади. Унумли бандликда эса барқарор иш жойида ёлланма ходим учун муносиб меҳнат шароитлари яратилган бўлиб, ўзи ва қарамоғидагилар учун камбағаллик чегарасидан юқори даражада “ушлаб турувчи” етарли иш ҳақи тўланиш талаби қўйилади (**2-расм**).

Унумли ва маҳсулдор бандликка таъриф беришда, асосан уларнинг самарали бандлик хусусиятлари ва муносиб меҳнат тамойилларидан келиб чиқиш лозим. Унумли ва маҳсулдор бандлик муаллифлик таърифи қуйидагича:


Самарали бандлик аҳоли иш билан бандликка эҳтиёжининг мавжуд иш ўринларига мувофиқ келишидаги сифат хусусияти бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишни, ижтимоий жиҳатдан меҳнат фаолиятининг инсон манфаатларига энг мувофиқ келишини билдиради [21].

Унумли бандлик – қарамоғида бир ва ундан ортиқ шахслар бўлган, ўзи ҳамда қарамоғидагиларнинг ҳар бири учун белгиланган камбағаллик чегарасидан юқори даражадаги истеъмоли учун етарли даромад келтирадиган меҳнат фаолиятидир.

Маҳсулдор бандлик – қарамоғида ҳеч кими йўқ, меҳнат даромади фақат ўзига тегишли бўлган шахсларнинг белгиланган камбағаллик чегарасидан юқори даражадаги истеъмол учун етарли даромад келтирадиган меҳнат фаолиятидир (**1-расм**).

Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотимиз жарёнида меҳнат фаолиятидан олинадиган даромадларнинг паст даражаси ва уларнинг “соя солиши” (мавжуд солиқлар ва мажбурий тўловлар натижасида) ижтимоий тўловларнинг паст миқдорда қолишини, хусусан, пенсия ва нафақалар миқдори юқори даражада белгиланишига тўсқинлик қилади. Бу эса аҳоли орасида камбағаллик улуши сақланиб қолишига, хусусан фаол бўлмаган аҳолининг камбағаллик таъсир доирасига тушиб қолишига замин яратиши ойдинлашди.

Айниқса, тадқиқот доирасида 2021 йил апрель-май ойларида ўтказилган онлайн ижтимоий сўров иш билан банд аҳоли таркибида камбағаллик таъсири доирасида бўлганларни аниқлашга қаратилган эди. Ижтимоий сўровномада республика шаҳар ва қишлоқларидан мос равишда 538 киши ва 434 киши, жами 972 респондент қатнашган.




1-расм. Ўзбекистонда унумли ва махсулдор бандлик истикболли диаграммасида меҳнат ресурсларининг таснифланиши¹

Сўровномада 15 ёшда бўлганлар 4,5%ни, 16-30 ёшлилар 13,6%ни, 31-54 ёшли аёллар 37,4%ни, 31-59 ёшли эркеклар 42%ни, 55 ва ундан ёшдан юқори ёшдаги аёллар ҳам 60 ва ундан юқори ёшдаги эркеклар 2,6%ни ташкил этган.

Жинс бўйича респондентлар таркиби эса 452 киши – аёллар, 520 киши эса эркеклар. Маълумот даражаси бўйича эса, 49,9% олий маълумотга, 33,3%и ўрта-махсус маълумотга, 13,5%и ўрта ва 3,3%и эса маълумотга эга бўлмаган шахсларни ташкил этган.

Иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида камбағалликка тушиш эҳтимолий сабаблари ўрганилганда асосан, нафақахўр эканлиги (19,5%), уй ишларида банд бўлганлиги (23,4%), таълим муассасасида тахсил олиши (20,7%), касал, меҳнат лаёқатини йўқотганлиги (31,3%) ва бошқа сабаблар кўрсатиб ўтилди. Бунда иш билан банд бўлмаганлар орасида камбағалликка тушиш эҳтимоли юқори даражани қайд этган.




2-расм. Ижтимоий сўров натижалари: иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида камбағалликка тушишдаги асосий эҳтимолий сабаблар¹, %да

Иш билан бандлик ҳар доим ҳам камбағалликдан чиқиш учун етарли даражада юқори даромадни таъминлай олмаслиги мумкин, чунки иш ҳақи тўланадиган ишчиларнинг 29,8% ишдан олинган даромадларга қарамай камбағалликда яшаётганликлари аниқланди.

Иш билан бандлар орасида камбағалликнинг мавжудлиги одамларни иш билан таъминлаш ҳар доим ҳам камбағаллик хавфидан қочиш учун етарли эмаслигини исботлайди [Georgescu, M., Herman, E., 2020]. Шунинг учун унумсиз ва маҳсулсиз бандлик тизимидан унумли ва маҳсулдор бандлик тизимига ўтиш жараёнларини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга (**2-расм**).

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, 486 нафар боқувчидан 82 нафари (20,1%) ўзи ва қарамоғидагиларнинг ҳар бирини кам таъминланганлик чегарасидан юқори истеъмолини таъминлай олмаяпти. Сўров натижаларидан унумли бандлик даражаси 79,9% ни ташкил этмоқда.

Қарамоғида ҳеч кими йўқ иш билан банд бўлганлар ичида камбағаллик таъсир доирасидагилар аниқланмади, бироқ, қарамоғидаги шахслар сони ортиб борган сари, асосий боқувчининг меҳнат даромади уларга камбағаллик чегарасидан юқори истеъмолни таъминлай олмаётганлар сони ортиб борди (**3-расм**).



3-расм. Меҳнат даромади қарамоғидаги ҳар бир шахсни камбағаллик чегарасидан юқори истеъмолни таъминлаш даражаси, %да¹

Иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги шахсларнинг аҳоли орасида мавжуд бўлиши ва бардавомлиги меҳнат бозорининг ижтимоийлик функциялари ўз хусусиятларини ўзгартираётганлиги тўғрисида огоҳлантириш вазифасини ўтайди. Шунингдек, иш билан банд-камбағалларнинг мавжудлиги тегишли вазирликлар ва агентликларни барча меҳнатга лаёқатли фуқароларни муносиб меҳнат, маҳсулдор ва унумли банд бўлишларига кўмак берадиган стратегияларни ишлаб чиқиш бўйича чоралар кўришга ундаши лозим.

Ҳозирда мамлакатда кам таъминланган аҳоли сонини мунтазам ва шаффоф равишда қисқартириб боришда натижадор чора-тадбирлар кўришмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 августдаги ПФ-6277-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги «Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги 544-сон қарори ва унда тасдиқланган «Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳамда 2021 йил 21 октябрдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон қарори ва унда тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ижтимоий ислохотлар учун муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланмоқда.

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда унумли бандлик даражасини баҳолаш зарурати бўлмаган. Бунга асосий сабаб, тан олинган расмий камбағаллик даражаси мавжуд бўлмаган ва камбағалликни қисқартиришга оид ҳуқуқий асослар, минимал истеъмол харажатлари суммаси бўйича аниқ ҳисоб-китоблар мавжуд эмас эди.

Тадқиқотимиз давомида унумли бандлик тақчиллиги (ишсизлар ва камбағаллик таъсир доирасидаги иш билан банд аҳоли сони) ни ҳисоблашда аниқ услубиёт мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда унумли бандлик тақчиллигини ҳисоблаш услубиётини таклиф қилмоқдамиз (1-жадвал). Фикримизча, ушбу услубиёт камбағалликни қисқартиришда амалга оширилаётган ислохотлар учун самарали мониторинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

1-жадвал

Ўзбекистонда унумли бандлик тақчиллигини ҳисоблаш учун таклиф этилаётган услубиёт¹

Т/р	Кўрсаткич номи	Таркибий элементлари
1.	Унумли бандлик тақчиллиги (PE _D)	- меҳнат ресурслари сони;
		- иқтисодий нофаол аҳоли сони;
		- унумли банд аҳоли сони.
	PE_D = LR - EIP - PE ёки <i>бу ерда:</i> LR — меҳнат ресурслари; EIP — иқтисодий нофаол аҳоли; PE — унумли ва маҳсулдор банд аҳоли.	
2.	Иқтисодий нофаол аҳоли сони (EIP)	- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар ва талабалар сони;
		- болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар сони;
		- уй бекалари ва мустақил равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.
	EIP = PS + IW + VUP, <i>бу ерда:</i> PS — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар ва талабалар; IW — болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар; VUP — уй бекалари ва мустақил равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.	
3.	Меҳнат ресурслари сони (LR)	- меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли;
		- ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.
	LR = WAPM + WTP, <i>бу ерда:</i> WAPM — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли; WTP — ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.	
4.	Унумли ва маҳсулдор банд аҳоли (PE)	- иш билан банд бўлганлар сони;
		- иш билан банд, камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сони.
	PE = E - W_{POOR}, <i>бу ерда:</i> E — иш билан банд бўлганлар сони; W_{POOR} — иш билан банд, камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сони.	

Камбағалликни қисқартиришда ушбу кўрсаткичлар мониторинги аҳамиятли ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистонда иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сонини ҳисоблаш лозим бўлади.

Таклиф этилган унумли бандлик тақчиллигини ҳисоблаш услубиёти асосида биз ҳисоблаган иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сони “Ягона миллий меҳнат тизими” ва “Ягона ижтимоий ҳимоя реестри” ўртасидаги интеграция орқали аниқлаш мумкин. Бу эса халқаро тажрибалар асосида иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли ҳисобини юритиш, мониторинг қилиш ва тегишли чора-тадбирларни олиб боришга имкон беради.

Хулоса ва таклифлар.

Аҳоли фаровонлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган энг самарали ижтимоий ислохотларни амалга ошириш максимал даражада мақсадли тамойилларга риоя қилишни талаб қилади. Зеро, аҳолининг унумли бандлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг намоён бўлиш моҳиятини ўрганиш ниҳоятда долзарбдир. Шу билан бирга, ушбу салбий ижтимоий-иқтисодий ҳодисанинг пайдо бўлишининг “илдизлари”ни нафақат аниқлашга, балки уларни тавсифлашга имкон берадиган махсус эмпирик тадқиқотлар лозим.

Халқаро тажрибаларда камбағалликни қисқартириш борасида аҳолининг тўлиқ, унумли ва муносиб меҳнат билан бандлигига кўмаклашиш йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, мавжуд ишсизликни камайтириш асосида аҳоли даромадларини янада ошириш, уларнинг ҳаёт сифатини янада юксалтириш, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини доимий ошириш, яратилаётган барқарор иш ўринларида ходимларнинг муносиб меҳнатда бандлиги ҳамда унумли ва маҳсулдор бандлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Унумли бандлик тақчиллиги даражасини мониторинг қилиш ва мунтазам қисқартириб бориш халқаро ва миллий даражада белгиланган инсон тараққиёти стратегиясининг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш асосида камбағалликни қисқартиришга, хусусан ўзини ўзи банд қилиш, кичик бизнес ва хусуусий тарбиркорликни, айниқса, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини эътироф этади.

Илмий тадқиқотлар камбағалликни қисқартиришда, айниқса иш билан банд аҳоли таркибида камбағаллик таъсир доирасида бўлганларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш муҳимлигини кўрсатиш билан бир қаторда қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Биринчидан, иш билан банд аҳоли таркибида камбағаллик таъсир доирасидаги шахслар мавжудлиги мамлакатда камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган чора-тадбирлар натижадорлигига салбий таъсир этади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда иш билан банд аҳолининг камбағаллик таъсир доирасига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган “Унумли бандлик тақчиллигини ҳисоблаш услубиёти”ни оила шароитида банд бўлганлар, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар қабилаарни фаол эътиборга олган ҳолда амалда қўлланилиши камбағалликка қарши курашдаги ислохотлар натижадорлигини оширади.

Иккинчидан, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлайдиган муносиб, унумли ва маҳсулдор бандликни рағбатлантириш бўйича чораларни нафақат давлат, балки хусусий сектор вакиллари иштирокини рағбатлантиришга қаратилган, таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Камбағалликни қисқартиришда барча масъулиятни баҳам кўрмоғи лозим. Айниқса, иш билан банд аҳоли таркибида камбағаллик таъсир доирасидагилар мавжудлиги нафақат давлат секторида, балки хусусий секторда ҳам сақланиб қолаётганлиги уларни ҳам бунга бефарқ қолдирмаслиги керак.

Учинчидан, иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сонини ҳисоблашда мамлакат иқтисодиётидаги унумли ва маҳсулдор банд аҳоли, самарали банд

бўлган аҳоли ва камбағаллик таъсири доирасидаги иш билан банд аҳоли нисбатларини доимо эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Барча иш билан банд аҳоли - камбағаллик таъсирида эмас, деган тушунча ҳақиқатдан йироқ бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, унумли бандлик тақчиллигига мансубликда фаол бўлган ишсиз ёшларни касб-хунарга йўналтириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, зарур касбга қайта ўқитишга сарфланаётган харажатлар натижадорлигини ошириш, ёшлар маҳсулдор бандлигини таъминлаш мақсадида иш берувчилар ва ёшлар ўртасида муддатли ва муддатсиз “Кўнгилли бандлик” тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Меҳнат шартномаси ҳар доим ҳам ёшларни касбга тайёрлай олмаслиги, иш берувчи талаблари эса уларни касбий тайёргарлигига мос келмаслиги мумкин.

Бешинчидан, аҳоли даромадларини ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда фақат ва фақат унумли бандлик муҳим омил бўлиб хизмат қилади, заиф бандлик эса бунга кўмак бериши мумкин.

Олтинчидан, унумли бандлик тақчиллиги таркибида камбағаллик таъсири доирасидаги иш билан банд шахсларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ва “Ягона Миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали аниқлаш ва мониторингини олиб бориш механизм янада такомиллаштирилиши лозим;

Еттинчидан, давлат, нодавлат ва норасмий институтлар томонидан унумли бандликни рағбатлантиришнинг натижадор ва самарали тизими ишлаб чиқирилиши лозим.

Саккизинчидан, меҳнат бозорида унумли ва маҳсулдор бандлик истиқболли диаграммасида самарали бандлик контекстида муносиб бандлик тамойиллари асосида меҳнат ресурслари таснифи қайта кўриб чиқирилиши лозим.

Юқоридаги таклиф ва тавсиялар фақатгина нафақат камбағалликни қисқартиришга, балки халқаро ташкилотлар тавсияларига мослигини таъминлаш билан бирга аҳоли фаровонлиги, меҳнатга лаёқатли аҳолига демографик босимларни камайтириш ва мамлакат иқтисодий ўсиш барқарорлиги йўлидаги ислохотлар натижадорлигига замин яратиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Манба: <https://kasaba.uz/halqaro-mehnat-tashkiloti/>
2. Қудбиев Ш.Д.. (2020) Общие тенденции формирования мирового рынка труда. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 6/2019 (№ 00044). 50-54 б.
3. International Labour Office - ILO (2012) Understanding Deficits of Productive Employment and Setting Targets: A Methodological Guide; International Labour Office, Employment Sector: Geneva, Switzerland, 2012; ISBN 978-92-2-125990-9. P3.
4. McMillan, M.S.; Rodrik, D.; Sepúlveda, C. (2016) Structural change, fundamentals, and growth: a framework and case studies; international food policy research institute: Washington, DC, USA, 2016; ISBN 9780896292147.
5. Lavopa, A.; Szirmai, A. (2018) Structural modernisation and development traps. An empirical approach. World Dev. 2018, 112, 59–73.
6. Herman, E. (2016) Productive employment in Romania: A major challenge to the integration into the European Union. Amfiteatru Econ. 2016, 18, 335–350.
7. United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2019). World Population Prospects 2019. 46P. p5.
8. WB-World Bank. World Development Report 2013: Jobs; World Bank: Washington, DC, USA, 2012.
9. Rammelt, C.F.; Leung, M.; Gebru, K.M. (2017) The exclusive nature of inclusive productive employment in the rural areas of northern Ethiopia. Work. Employ. Soc. 2017. p2.
10. Aneel Karnani (2011) Reducing poverty through employment. Innovations / Volume 6, Number 2, 2011. p75.

11. Anker, R.; Chernyshev, I.; Egger, P.; Mehran, F.; Ritter, J. Measuring Decent Work with Statistical Indicators; International Labour Office (ILO): Geneva, Switzerland, 2002;
12. Szirmai, A.; Gebreeyesus, M.; Guadagno, F.; Verspagen, B. (2013) Promoting Productive and Sustainable Employment: Elaborating a Knowledge and Research Agenda; UNU-MERIT: Maastricht, The Netherlands, 2013; p 49-53.
13. Herman, E. (2014) Working poverty in the European Union and its main determinants: An empirical analysis. *Inz. Ekon.* 2014, 25, 427–436.
14. Islam, R. (2006) The nexus of economic growth, employment and poverty reduction: an empirical analysis in fighting poverty: the development-employment link; Islam, R., ed.; Lynne Rienne: London, UK, 2006; ISBN 978-1-58826-396-4.
15. Fosu, A.K. Growth, inequality, and poverty reduction in developing countries: Recent global evidence. *Res. Econ.* 2017, 71, 306–336.
16. Islam, R. (2013) Integrating Productive Employment into the Post 2015 Development Agenda; Southern Voice on Post-MDG International Development Goals: Dhaka, Bangladesh, 2013; Available online: <http://southernvoice-postmdg.org/wp-content/uploads/2013/06/SV-OP-3.pdf>